

### Тасдиқлайман

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УЎш филиали вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан К.Рустамов  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 йил



Бажарувчи ташкилотни танилаб олиш учун  
**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: “Қизилтепа тумани “Яшнаобод” МФЙ даги “Гинчилик, Гулистон, Шарк ва Мангит” кўчаларидаги 415 та хонадонда яшовчи 2000 дан ортиқ аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш. 28,4 км сув тармоғи ва 2 та сув шишооти қуриш”.  
Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, топотасвир ишларини бажариш, АРТ (Архитектура режалаштириш топширигини тайёрлаш, геология, экспертиза, ЗВОС ҳулосасини олиш ишларини бажариш.

1.2. Танловнинг юқори қиймати- **255 000 000** сум.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги тақлифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.3. Хизмат буйича Техник топириқ танлов ҳужжатлари техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузлади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган графика буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати аванс маблаг итказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Сув таъминот ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси” (бундан кейин- “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистан Республикаси Навоий шаҳри Ғалаба шох кўчаси 226, e-mail: navoiy-ijtinglik@mail.ru Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.2. Танлов “Сув таъминот ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биносига “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.3 Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сунг якунига (сониясига) қадар тижорат тақлифлари қабул қилинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки голибни танлаб олиш мақсадида харид комиссиясининг йиғилиши

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда ишвахизматлар курсатишга ихтисослашган лицензияси мавжуд, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:  
Танлов предметида иштирокчининг кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлари;  
танлов объекти ва ушлаш объектларида ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан иллари бажарилган иш ҳажмлари туғрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажарилган ишларнинг мулкжалланаётган ҳажми (50 фоиз дан кам булмаган ҳолда);

3.3 Агар танлов предметида булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият

қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабдорларга руҳсат этилади.

3.2 Куйидаги талабгорларга танлов жараянларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:  
Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиши), туғатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассеслик келишув, Манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар аниқланганда, бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАҚЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Танлов учун тақлифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ваколатли шахс изоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3 Танлов иштирокчиси:

- Тақдим этилаётган ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик; жавобгар булади;
- Тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар уз тақлифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

### 4.4 Умумий талабларни порталга юклаш шартлари:

- танлов катнашчисининг ташкили туғрилиш тўғрисида маълумот (структура);
- танлов катнашчиси ҳақида умумий (ишчи ходимлар меҳнат дафтарчалари ҳамда дипломлари билан) маълумот;
- танлов катнашчисининг моддий техник базаси тўғрисида (тасдиқловчи ҳужжатлари билан) маълумот;
- танлов катнашчининг гувоҳномаси, лицензияси;
- танлов катнашчиси томонидан охириг уч йил мобайнида шунга ўхшаш объектлар бажаришга лойиҳа-смета ишлари тўғрисида шартномалар

### 4.5 Молиявий барқарорлик:

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;  
Асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон қартотека қарздорлигининг мавжуд эмаслиги;

Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтида шубҳали қорхоналар рўйхатиға қиритилмаганлиги;  
Банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги

4.6 Катнашчи ташкилотнинг Навоий вилоятда шахсий офисга ёки ижара жойига эга эканлиги: (Қадастр ҳужжати ёки ижара шартномаси талаб этилади)

### 5. ТАҚЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТЛАРИ

5.1 Белгиланган тартибда танлов учун тақлифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан белгиланган тартибда қабул қилиши ёки узайтириши мумкин.

5.2 Тақлифлар муддатини узайтирилиши фақат Харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда

голибни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни хакикийлиги ва тўричилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб тошилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачисин билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишига мажбурдир.

#### 7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачисин танлов ҳужжатларига узгартишлар узгартишлар шартномада танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш муддати давлат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2 Танлови иштирокчиси танлов ҳужжатлари қондаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачисига, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартларга сосида тузилади.